

---

## **РИШТОН ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИНИНГ БИЛДИРИШИ**

**Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган мақола юзасидан Риштон туман электр таъминоти корхонаси қуйидагиларни маълум қилади. Риштон тумани Хуррамобод МФЙ ҳудудидаги истеъмолчилар 110/35/10кВли П/ст “Риштон” 10кВли “Хуррамобод” ҳаво узатмасидаги 30-сонли куввати 63кВА булган трансформатор пунктларидан электр энергияси билан таъминланган.**

Ҳудудларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.11.2016 йил кунги “2017-2021 йилларда паст кучлишли электр тармоқларини модернизация ва янги қурилиш дастури тўғрисида” ги ПҚ-2661 қарори бўйича ишлар бажарилмоқда. Ушбу дастурлар ижроси таъминлангандан сўнг, дастурлар бўйича амалга оширилган ишлардан чиқарилган демонтаж қилинган яроқли тармоқни юқоридаги ҳудудга тортилиши ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширилиши жорий йил якунига қадар амалга оширилиши режалаштирилган эди лекин Ушбу дастур доирасида бажарилиши режалаштирилган ишлар маълум сабабларга кўра яъни молиявий томонлама ва материалларни таъминотчи корхоналар томонидан ўз вақтида етказилмаётганлиги сабабли белгиланган муддатдан кечикмоқда. Шу сабабли ушбу дастур доирасидаги ишлар якунлангандан сўнг 2021 йил биринчи ярим йиллигида мурожаатингизни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилади.

2021-01-23 15:12:25